

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“ИЖТИМИЙ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ

«Фалсафа» фанидан

РЕФЕРАТ

Мавзу: Онтология борлиқ фалсафаси



Топширди:

Назаров Б

Қабул қилди:

Мирзахмедов А

Наманган-2015

Онтология борлиқ фалсафаси

Режа:

1. Борлиқ фалсафасининг предмети. Онтология тушунчаси
2. Фалсафада субстанция ва материя муаммоси
3. Макон ва вақт. Ҳақиқат ва ривожланиш.
4. Табиат фалсафаси. Инсон борлиғи

Фалсафа ўрганадиган қайси бир масалани олмайлик, у борлиқ муаммоси билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. Борлиқ муаммоси фалсафадаги ҳар қайси дунёқараш ва методологик муаммоларнинг асоси ҳисобланади.

Дунёнинг мавжудлиги, яъни борлиги тўғрисида баҳс юритган файласуфлар бу масалага турлича ёндошганлар: уларнинг баъзилари, дунё аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам мавжуд, бундан кейин ҳам мавжуд бўлади дейишса; бошқалари, дунё аввал мавжуд бўлмаган, илк борлиқ бу оламдаги барча нарса ва ходисаларни яратунчи Худодир.

Илк борлиқ, яъни биринчи мавжуд-Тангри Оллоҳ барча мавжудод борлигининг биринчи сабабидир дейилади.

«Илк бор бўлган, (Яъни Тангри)-дейди Фаробий, ўзининг асл моҳияти билан бошқа барча нарсалардан фарқлидир» (Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шаҳри», 131 бет). Чунки, у модда ҳам эмасдир, субъект ҳам эмасдир, унинг суръати ҳам бўлмайди, унинг бир ўзи бу борлиқда яқою-яғонадир, у шу жиҳатдан ҳам биринчидир.

Фан ва амалиёт тараққиёти натажасида дунёнинг яратилганлиги, унинг фазо ва вақтда чегараланганлиги, чекланганлиги тўғрисидаги олдинги қарашлар аста-секин чексиз чегарасизлиги, шу билан бирга унинг бир бутунлиги, доимийлиги, абадийлиги тўғрисидаги қарашлар билан алмашиб борган.

Абадий дунёдаги барча нарсалар, турли-туман жонсиз ва жонли организмлар, инсонлар ва уларнинг фаолияти ҳатто, бир бутун жамият ҳам, шубҳасиз вақтинча ўткинчидир. Демак, борлиқ абадий, аммо ундаги барча нарсалар ўзгаришда ва ривожланишда; бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, бир турдан иккинчи турга ўтишда, чунки улар бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди.

Борлиқ тушунчаси фалсафий категория сифатида билишнинг юқори босқичи-абстракт тафаккургагина хос бўлиб, фикрлаш жараёнида кишилар бу тушунча орқали дунёдаги алоҳида нарсалар, уларнинг конкрет белгилари ва хоссалари ҳақида эмас балки, дунёдаги барча нарсалар, воқеа ходисалар, жараёнлар ўртасидаги энг умумий жиҳат-уларнинг реаллиги ҳақида фикр юритадилар. Борлиқ тушунчаси ёрдамида кишилар дунёнинг объектив мавжудлиги, унинг чексизлиги, абадийлиги ва бир бутунлиги ҳақида илмий ва фалсафий тасаввурга эга бўладилар.

Борлиқнинг асосий шакллари табиий борлиқ ёки табиат борлиғи, инсон борлиғи, маънавий борлиғи ташкил этади.

Табиий борлиқ ўзаро боғлиқ, лекин бир-биридан фарқ қилувчи қуйидаги икки кўринишдан иборатдир: 1. Табиатдаги нарса ва ходисаларнинг, жисм ва жараёнларнинг асл табиий борлиғи; 2. Табиатдаги нарса ва ходисалар асосида инсон томонидан яратилган нарсаларнинг табиий борлиғи.

Табиий борлиқнинг биринчи кўриниши инсонгача инсондан ва унинг онгидан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган нарса ва ходисалар, жараён ва ҳолатларни ўз ичига олган табиатдир. Бу баъзи адабиётларда «бирламчи табиат» деб ҳам аталади. Бу «бирламчи табиат» маконда, чексиз замонда абадийдир, у ҳамма ерда доимо мавжуд. Инсон шу «бирламчи табиат» материаллари асосида амалий фаолияти ва онги билан «иккиламчи» табиатни яратади. «Иккиламчи табиат» нарса ва ходисалари ижтимоий ҳаётда инсон эҳтиёжини қондириш зарурияти, ижтимоий турмушда бирон бир функцияни бажариш зарурияти туфайли яратилади.

«Бирламчи» ва «иккиламчи» табиатлар борлиғи ўзаро алоқадорликда бўлиб, бир томондан, бир бири билан умумийликка, ўхшашликка, бирликка эга бўлса, иккинчи томондан, бир-бирига нисбатан маълум фарқларга ҳам эга.

«Бирламчи табиат» маконда чексиз, замонда абадий ва доимий бўлса, «иккиламчи табиат» инсон мавжудлиги билан, унинг фаолияти ва онги билан, бир бутун жамият билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади, у фазо ва вақтда ибтидога ва имтихога эга.

«Бирламчи табиат» инсон унда яшаб, уни билиб бораётган битмас-туганмас, чексиз дунё (олам) бўлса; «иккиламчи табиат» эса инсон табиат қонунларини билиб олиш туфайли, улар асосида яратган нарса ва ходисалар, жараёнлар дунёсидир.

«Иккиламчи табиат» бир томондан, «бирламчи табиат» каби, объектив, реал борлиқ бўлиб, у инсон онгидан ташқарида мавжуд бўлса, иккинчи томондан, у инсонга боғлиқ ҳамдир, чунки унда кишиларнинг мақсадлари, ғоялари, билим ва меҳнатлари мужассамлашган бўлади. «Иккиламчи табиат», «бирламчи табиат» ва кишилиқ (инсон) борлигини боғловчи, улар чегарасидаги борлиқ бўлиб, табиий борлиқнинг ўзига хос шакли сифатида «бирламчи табиат» борлиғига нисбатан ҳам, инсон борлиғига нисбатан ҳам нисбий мустақил борлиқдир.

Борлиқнинг ўзига хос шаклларида яна бири – бу инсон борлиғидир. Инсон борлиғида, аввало, инсоннинг табиат тараққиётининг махсули сифатида табиий борлиқнинг ҳар икки шаклига оид томонлар билан бирга, ижтимоий-тарихий тараққиёт махсули сифатида унда ижтимоий ва маънавий борлиқнинг ҳам барча шаклларига хос томонларнинг йиғиндиси мажассамлашгандир.

Инсон борлиғи жамият тараққиётининг бирдан бир манбаидир. Ижтимоий борлиқ ходисаларнинг барча турларини ўз ичига қамраб олади. Жамият бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ижтимоий этник, оилавий ва ҳ.к. муносабатлардан таркиб топган, доимо тараққий этиб, ривожланиб турадиган жонли организмдир. Жамият табиат тараққиётининг зарурий оқибатидир.

Жамиятнинг моддий техника базаси, иқтисодий асослари, сиёсий ташкилотлари: давлат ва ҳокимият идоралари, армия, полиция, суд, прокуратура, сиёсий партиялар, турли-

туман жамоат ташкилотлари маориф системаси, маданият, фан ва техника, илмий тадқиқот институтлари ва лабораториялари, оммавий ахборот муассасалари, алоқа бўлимлари ва ҳ.к. ижтимоий борлиқнинг ҳар хил кўринишларини ташкил этади.

Борлиқ фақат моддий шаклда эмас, маънавий, рухий шаклда ҳам намоён бўлади. Маънавий борлиқ инсон томонидан яратилган ранг-баранг маданият ва санъат асарлари, тил, илмий кашфиётлар, ғоялар, Этика-одоб қоидалари, фалсафий, эстетик, бадиий, сиёсий, тафаккурлаш маданияти, рухий кечинмалар, диний тасаввурлар, тушунчалар ва ҳ.к. мажмуи киради.

Кишиларнинг ички ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, рухий маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва манфаатлари ҳамда кайфиятлари ҳам маънавий борлиқнинг кўринишларидир.

Маънавият, жамият, шахс, миллат тараққиётининг манбаидир. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихи, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Каримов И.А. айтганларидек, «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди». Шунинг учун ҳам халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу борлиқ шакллари (нарсалар борлиғи, инсон борлиғи, ижтимоий борлиқ, маънавий борлиқ) бир бутун дунёнинг алоҳида кўринишидир. Борлиқ ана шу алоҳида шакллар ўртасидаги боғлиқликни, умумийликни кўрсатади. Борлиқнинг умумий алоқадорлиги алоҳида нарсаларнинг мавжудлиги билан намоён бўлади.

Моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш фалсафада материя ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланишига сабабчи бўлади.

Умуман материя — бу тушунча, абстракция, фикрнинг маҳсулидир, чунки, оламда «умуман материя» учрамайди, балки материянинг конкрет кўринишлари учрайди. Шундай қилиб файласуфлар барча моддий объектларга хос хусусиятларни умумий тарзда ифодалаш учун қўллайдиган тушунча бу «материя»дир. Оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг умумий белгиси, хусусияти шундан иборатки, улар бизнинг онгимиздан ташқарида, мустақил равишда мавжуддир. Ҳамма нарсага хос бўлган бу умумий хусусият материя тушунчасида ўз аксини топади. Демак, материя тушунчасининг фалсафий мазмуни:

а) нарсаларнинг бизнинг онгимиз, хоҳишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд эканлиги;

б) улар бизнинг сезги ва билимларимиз манбаи эканлигини билдиради. Материянинг фалсафий тушунчаси фақат ҳозирги даврда фанга маълум бўлган объектларгина эмас, балки келгусида кашф қилинадиган нарсаларни ҳам ўз ичига олади, бу маънода унинг методологик аҳамияти каттадир. Материя абадий, бепаён, чексиз, ҳеч қачон йўқолмайди. Материянинг абадийлиги унинг ҳеч ким томонидан яратилмаганлигини, ҳамда мавжуд бўлишини, ҳар бир янги кашфиёт туфайли унинг янги томонлари очилишини билдиради. Материя тушунчасининг табиий-илмий маъноси унинг тузилиши, битмас

туганмас хусусиятларининг хилма-хиллигини билдиради ва улар табиат ҳақидаги алоҳида фанлар-физика, химия, биология кабилар томонидан ўрганилади.

Материя икки хил модда ва майдон кўринишида мавжуд. Модда кўринишидаги материя тинчлик масса кўринишига эга бўлиб, булар мажмуасига протон, нейтрон, электрон ва позитронларни, улардан ташкил топган атом ва молекуларни киритиш мумкин. Молекулардан таркиб топган микроскопик жисмлар ҳозирги замон фани берган маълумотларга асосан ҳар хил ҳолатда бўлишлари мумкин: суюқ, қаттиқ, газсимон, плазма, эпплазма, физик вакуум ҳолатида. Материянинг майдон кўриниши модда кўринишидан ҳаракатдаги массага эга бўлиши ва ёруғлик тезлигига яқин тезлик билан ҳаракат қилиши орқали фарқ қилади. Электромагнит майдон, ядро майдони гравитацион майдон – булар материянинг майдон кўринишларидир. Тажрибалар орқали материянинг модда ва майдон кўринишининг бир-бирига айланишини кўриш мумкин. Демак, материянинг модда ва майдон кўринишининг бир-бирига айланиши зарраларнинг зарра ва антизарралардан ташкил топганлигини кўрсатади.

Материянинг бениҳоялиги ва чексиз тузилиши, мураккаб хусусиятлари ҳақидаги масала моддий оламнинг сифат жиҳатдан битмас-туганмаслигини ўз ичига олади. У органик жиҳатдан дунёнинг моддий бирлиги принципи билан боғлиқ.

Дунёнинг моддий бирлигини қуйдагилардан яққол кўришимиз мумкин:

1. Борлик, материя объектив реалликдир, у инсон онги иродаси, хохиши ва истагидан ташқари реал мавжуддир. Демак, дунёнинг моддий бирлиги инсоннинг сезгилари ва тушунчаларига боғлиқ бўлмай, бу birlik инсон онгидан ташқаридаги ундан мустақил ва абадий мавжуд бўлган материянинг хусусиятлари билан ифодаланади.

2. Дунё моддийдир, барча нарсалар ва ходисалар материянинг турли шаклларидаги кўринишидан иборат. Оламда фақат материя ва унинг аниқ сифати ва хусусиятлари мавжуд. Масалан, оддий чанг заррасидан сув томчисигача, мураккаб молекуладан минералга қадар бўлган нарсаларни олиб кўрайлик, улар турли кўринишга сифат ва хусусиятга эга бўлиб, бир-биридан жуда фарқ қилади. Уларнинг ҳаммаси материянинг муайян кўринишидир, буларнинг заминиди ҳамма жисмлар учун умумий бўлган субстанция-материя ётади. Мана шуни birlik деб атаймиз. Бундай birlik ёлғиз бизнинг сайёрамиздагина эмас, балки чексиз коинотнинг барча бепаён томонларида объектив мавжуддир.

3. Оламдаги барча нарса ва ходисалар қандай мазмунга, шаклга эга бўлишидан ва коинотнинг қайси ерида жойлашишидан қатъий назар ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳамдир. Бу болиқлик оламнинг шундай бир умумий зарурий томоники, табиатдаги бирор предмет ёки жамаятдаги бирор ходиса шу боғланишдан четда қола олмайди. Барча мавжуд нарсалар ва ходисалар, уларнинг сифат ва хусусиятлари ўртасидаги бу боғланиш ҳам оламнинг birlikини кўрсатувчи далилдир.

Фазода чексиз ва вақтда абадий ҳаракат қилиб турувчи материя бутун мавжудотнинг негизи ва манбаидир.

Табиат ва жамиятда ҳамма нарса ҳаракатда ўзгаришда, ўзаро таъсирда ва ўрин алмашишдадир. Ҳеч бир мутлоқ тинч турган, ҳаракатсиз нарса йўқ. Оламдаги нарсалар

ҳаракатда бўлиб, улар бир-бирига айланади, бири иккинчисини йўқотади, бири иккинчисидан пайдо бўлади. Ҳар қандай нарсанинг мавжуд бўлишининг ўзи авваломбор уни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро таъсирда бўлишини тақозо этади. Масалан, атом қобиғини ташкил этунчи ядро ва электрон ўртасида муайян ўзаро таъсир бўлгани сабаблигина атом мавжуддир; тирик организмда ҳам уни ташкил этувчи молекулалар, ҳужайра ва тўқималар ўртасида ўзаро таъсир жараёнлари содир бўлади; жамиятнинг мавжуд бўлиши учун ҳам кишилар фаолиятлари ўртасида ўзаро муносабатлар бўлиши зарурдир. Демак, ўзаро таъсир материя хоссаларини, муносабат ва ҳолатларини ўзгаришга олиб келади.

Илмий фалсафа таълимотига кўра ҳаракатнинг фалсафий маъноси шуки, у материянинг борлиқ шаклидир. Материя ҳаракати қандай шаклда бўлмасин у объектив равишда материядан ажралмаган ҳолда содир бўлади. Материянинг мавжудлик шакли бўлгани учун ҳаракатнинг объектив реал бўлиш хусусияти материянинг ҳам хусусияти ҳисобланади. Энг умумий тарзда ҳаракат умуман ўзгаришдан, моддий объектларнинг ҳар қандай ўзаро таъсиридан иборат. Материя ҳаракати ҳеч қандай ташқи турткига, ғайри табиий кучга муҳтож эмас. Материя ўзига хос ички қарама-қаршиликларга кўра ҳаракат қилади, ривожланади. Материя ҳаракати ва тараққиётининг манбаи ички қарама-қаршиликлардир.

Ҳаракатни ривожланиш тушунчаси билан аралаштирмаслик керак. Ҳаракат реал воқеаликда рўй берадиган ҳамма ўзгаришларни ўз ичига олади. Ривожланиш деганда эса, жадал суръатлар билан илгарилаб боровчи ўзгаришлар тушунилади. Ривожланиш сифат ўзгаришларининг натижаси бўлиб, у ўзгариш нарса ва ҳодисалардаги қарама-қарши томонлар орасидаги курашнинг натижасидир. Бундай ўзгаришлар натижасида эски ўрнида янгиси пайдо бўлади. Шунинг учун «ҳаракат» тушунчаси «ривожланиш» тушунчасига қараганда кенгроқ тушунилади.

Ҳаракатнинг бир-биридан фарқ қилувчи шакллари мавжуддир. Ҳаракат шаклларини туркумлашда қуйидаги қоидаларга таянадилар.

1) ҳаракат шакллари бир-бири билан сифат жиҳатдан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири материянинг ташкилий тузилиши даражаларининг муайян босқичида намоён бўлади;

2) ҳаракат шакллари бир-бири билан келиб чиқиш жиҳатидан (генетик жиҳатдан) кетма-кет боғлангандир, яъни ҳаракатнинг мураккаб шакллари унинг нисбатан соддароқ шакллари билан келиб чиқандир;

3) ҳаракатнинг юқори шакллари таркибида қуйи даражадаги ҳаракат шакллари қатнашади, яъни ҳаракатнинг қуйи шакллари унинг юқори шакллари билан мансубдир, аммо ҳаракатнинг юқори шакли ўзидан қуйи шаклидаги ҳаракатга мансуб эмасдир. Шу қоидаларга таянган ҳолда ҳаракатнинг бир неча шаклини ажратиш мумкин. Улар қуйидагилар:

1) механик ҳаракат (жисмларнинг фазодаги силжиши);

2) физик ҳаракат (иссиқлик, ёруғлик, электр, магнетизм);

3) кимёвий ҳаракат (кимёвий бирикиш ва парчаланиш, агрегат ҳолатларнинг бир-бирига ўтиши)

4) Биологик ҳаракат (органик ҳаёт)

5) ижтимоий ҳаракат.

Материянинг чексиз равишда содир бўлиб турадиган ҳаракати, ўсиши, ўзгариши ва тараққиёти ҳамиша фазо билан вақтда юз беради. Ҳаракат сингари фазо ва вақт ҳам материя мавжудлигининг туб объектив шаклидир. Демак, ҳаракат материядан ажратиш мумкин бўлмаганидек, фазо ва вақтни ҳам материядан ажратиб бўлмайди.

Фазо ҳаракатдаги материя мавжудлигининг туб объектив шаклидир. Фазо тушунчаси моддий объектларнинг биргаликда мавжудлигини ва бир биридан узоқлигини, уларнинг кўламини, бир-бирига нисбатан жойлашиш тартибини ифодалайди.

Вақт ҳам материянинг мавжудлик шакли бўлиб, моддий жараённинг кенг ёйилиш изчиллигини, бу жараённинг турли босқичлари, бир-биридан ажралганлиги, уларнинг давом этишини, уларнинг ривожланишини билдиради. Ҳар бир нарса ўз ўтмиши, ҳозир ва келгусига эга. Нарса ва ҳодисаларнинг баъзи бирлари аввалроқ, бошқалари кейинроқ бўлади. Булар эса вақт тушунчасини ифодалайди. Фазо ва вақт ўртасида умумий, ўхшаш томонлар ҳамда айрим фарқлар мавжуддир:

-биринчидан, фазо билан вақтнинг объективлиги, инсон онги, иродаси ва ғояларига боғлиқ эмаслиги, улар ўртасидаги умумийликнинг муҳим томонларидан бирини ташкил этади,

-иккинчидан, фазо билан вақт абадий азалийдир. Фазо билан вақтнинг абадийлиги материянинг абадийлигидан келиб чиқади,

-учинчидан, фазо билан вақт чексиз чегарасиз бепаёндир.

Фазонинг ўзига хос хусусияти ва вақдан фарқи, унинг уч ўлчовга эга бўлишидадир. Бу уч ўлчов материя бўйига ва баландлигига, олди ва орқасига қараб унинг чексиз эканлигини кўрсатади. У турли нарса ва ҳодисаларда ҳар хил бўлади. Ҳозирги замон физикасининг нисбийлик назариясида тўрт ўлчовли геометрик фазо ҳақида сўз боради. Бунда тўртинчи ўлчов сифатида вақт олинган.

Вақт фазо билан чамбарчас боғлиқ бўлсада, лекин ўзининг айрим хусусиятлари билан ундан фарқ қилади. Вақтнинг муҳим хусусияти унинг бир ўлчовлигидадир, қайтарилмаслигидадир. Моддий нарсалар фазода бир хил жойлашишлари, турли томонга ҳаракат қилишлари мумкин, лекин вақтга келганда улар фақат бир томонга қараб йўналишда бўлади, вақт ҳеч қачон орқага қараб ҳаракат қилмайди. Ўтган замоннинг қайтарилиши ва ҳозирги замоннинг йўқ бўлиши мумкин эмас.

Материяга хос хусусиятлар фазо ва вақтга ҳам хосдир. Материянинг тузилиши ва хоссалари ҳақидаги билимимизнинг ўсиши каби, фазо ва вақт тўғрисидаги билимларимиз ҳам ортиб боради.

Табиат ва жамият ходисалари ҳамма вақт кетма-кет содир бўлади вақда ҳаракат қилади. Материя вақтда ҳаракат қилади, демак материя, ҳаракат, фазо ва вақт диалектик боғланган. Уларнинг диалектик бирлиги умумий аниқ фанлар учун ҳам амалий жихатдан методологик асос ҳисобланади.

Бугунги мавзу ўтган мавзу, яъни «Борлиқ ва унинг тузилиши» ни даволаш сифатида Табиат-борлиқнинг таркибий қисми «эканлиги ҳақида гаплашамиз. Табиатнинг ўзи нима? Шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Табиат бениҳоят хилма – хил шакл ва кўринишда бўлиб инсонни қуршаб турган моддий олам, бутун борлиқни, ўз ичига қамраб олади. У кенг маънода бизни қуршаб турган оламдаги майда жисмлардан тортиб олисдаги коинотнинг қўзғалмас элементар заррачалари галактика, квазар ва пульслар, физикавий майдонлар, умуман макро, минро ва мега дунёларни ташкил этса, тор маънодаги табиат эса, тирик организмлар яшаш учун шарт-шароит бўлган ер атмосфера ва бошқалардир.

Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида Оллоҳ ҳамма нарсанинг ибтидоси, материяни ҳам, табиатни ҳам тангри таоло яратган, дейилган.

Илмий фалсафа эса табиатнинг мавжудлиги инсонга, унинг онги ва сезгисига боғлиқ эмас, деб уқтиради.

Ҳозирги замон табиатшунослик фанлари ер шари ҳаракати натижасида 5 млрд йил ўз-ўзидан вужудга келганлигини исботлаган; 3 млрд йил аввал ерда ҳаёт нишонлари пайдо бўлган ва 2 млрд йил илгари фотосинтез қобилиятига эга бўлган биринчи тўқималар вужудга келган. Натижада ер юзида биосфера (био - ҳаёт, сфера - соҳа) – тириклик ҳосил бўла бошлаган. Демак, бундан кўринадики, табиат инсон онги ва сезгисига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, унинг на боши, на охири, на ибтидоси ва на интихоси бор. У чексиз, ва бениҳоя тўхтовсиз ўзгариш ва ривожланишда. Мавжудотдаги жисмлар Ой, Ёуёш, сайёралар, метеоритлар фазода доимий равишда ҳаракатда. Табиатнинг, материянинг фазода чексиз ва вақтда абадий бўлган тинимсиз ҳаракати жараёнида баъзи бир нарсалар емирилади, янгилари пайдо бўлади.

Табиатнинг тадрижий тараққиётининг маълум бир босқичида, яъни жонсиз табиат дунёсида жонли табиат юзага келган. Демак, жонли дунёнинг пайдо бўлиши табиатнинг материянинг чексиз коинотдаги тараққиётдан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларидан биридир.

Жонли материя кейинроқ юз берган ҳодисалар, узоқ давом этган тараққиёт самарасидир. Жонли табиат билан жонсиз табиат ўзаро чамбарчас узвий боғлиқдир. Жонли ва жонсиз табиатнинг ҳар иккиси ягона моддий оламда материяда мавжуддир ва доимий ҳаракатда. Жонли табиат ва жонсиз табиат ягона, моддий оламда мавжуд экан уларнинг ўхшашлигини кузатиш мумкин, яъни ўхшашлигини айрим кимёвий элементларнинг борлигида намоён бўлади. М: ер ости бойликларимиздан жонсиз табиатда темир, кислород, фосфор, кальций каби моддалар жонли табиатда тирик мавжудотда ҳам учрашлиги билан ўхшашдир.

Жонли ва жонсиз табиат ўхшаш бўлиши билан бирга уларни ажратувчи, фарқловчи жиҳатлари ҳам мавдуддир. Моддалар алмашинуви, ассимиляция ва диссимиляция процесслари фақат тирик организмга хос бўлган асосий хусусиятдир.

Жонли табиат абадий мавжуд эмас, у жонсиз табиатнинг маълум бир босқичида, маълум объектив шарт-шароитлар асосида вужудга келган. Инсон туғилади, улғаяди, қарийди ва ўлади (умри тугайди). Демак, у вақтда чекланган бўлиб, борлиқдан йўқликка ўтади. Бироқ бир бутун борлиқ сифатида йўқ бўлиб, кетгани йўқ, бир моддий ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтди холос.

Жонли табиат инсоннинг пайдо бўлиши учун ҳамма зарур шарт-шароитни ҳозирлайди. Табиатнинг таркибий қисми бўлган одам жонли организмларнинг узоқ вақт давомида рўй берган тараққиётининг қонуний маҳсулидир. Инсоннинг пайдо бўлишини жонли табиатнинг тараққиётидан ажратиб бўлмайди.

Бирламчи табиат абадий бўлади, у инсон ва инсониятга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, буни ҳозирги замон Фани исботлаб бермоқда. Хўш 1-табиатни ўзи нима?

Атмосферамиздаги табиат инсонга таъсир этади. Инсонлар яшаши учун ер, сув, ўсимликлар олами керак. Бу инсонлар яшашининг табиий бойликлари, шароитлари деб аталади. Булар биосфера, атмосфера, гидросфера тушунчалари билан ифодаланади. Булар бирламчи табиатни ташкил қилади.

Иккиламчи табиатнинг асоси бирламчи табиатдир. Иккиламчи табиатга инсон маънавияти ва ижтимоий моҳияти ҳам киради. Жамият билан табиат ўртасидаги алоқадорлик заминида меҳнат ётади. Меҳнат аввало, одам билан табиат ўртасида юз берадиган жараёндир, инсон шу жараёнда ўз фаолияти билан ўзи ила табиат ўртасида моддалар айирбошланишига воситачилик қилади, бу айирбошланишни тартибга солади ва назорат қилади.

Бирламчи табиат инсониятга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, ўз-ўзича табиий қонунлар асосида ривожланади. Иккиламчи табиат эса инсон томонидан яратилиб, инсон ва табиат ўртасидаги алоқадорлик асосида вужудга келади. Инсон ўзининг онгли фаолияти билан табиатдаги буюмларга таъсир этибган ҳолда моддий неъматлар яратади. Демак, унга инсон моҳияти сингдирилади, жамиятлашади ва инсон эҳтиёжига мослаштирилади. Инсон маънавияти моддийлашади. Иккиламчи табиатнинг асоси, негизи бирламчи табиатдир.

Ибтидоий жамоа тузумида инсонлар табиатга қарам бўлиб, табиат инъом этган моддий бойликларни қандай бўлса, шундайлигича истеъмол қилиб, ночор ҳаёт кечирганлар. Оловнинг кашф қилиниши, меҳнат қуролларнинг яратилиши, деҳқончилик, овчилик, чорвачилик билан шуғулланиш инсонларни табиатга қарам эмас, балки уни енгишга, ўзгартириб боришга муваффақ бўлиб, тараққиётнинг илк босқичига қадам қўйишга имкон яратди. Табиатга фаол таъсир этиш, меҳнат қилиш, ишлаб чиқаришнинг шаклланиши натижасида инсон ўзгариб, ҳам жисмонан, ҳам ақлан ривожланиб ва ўсиб тараққий эта бошлади.

Инсон табиат фарзанди бўлиб пайдо бўлган бўлса, меҳнати замирида жамиятда ўз ўрнига эга бўла бошлади. Меҳнатнинг роли ва аҳамияти айниқса, икки нарсда кучлироқ

сезилади. Биринчидан, инсон аجدодлари организми меҳнати орқали биологик мавжудодга хос бўлган белгилардан ижтимоий мазмунга хос томонга ўзгара бошлади. Иккинчидан меҳнат гапириш алоқа ўрнатиш, ижтимоий тажриба орттириш, инсон онги тил ва тафаккурининг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун ҳам асос бўлди.

Инсонга хос бўлган барча хислат ва фазилатларнинг юзага келиши ва ривожланиши меҳнат билан ижтимоий – иқтисодий муносабатлар билан узвий боғлиқ. Биргаликда қилинадиган ҳар қандай меҳнат кишиларнинг бир-бирлари билан муайян алоқа ва муносабатларда бўлишларини тақозо қилади. Кишилар анна шу алоқа ва муносабат асосида бир-бирларига ва табиатга таъсир этадилар.

Жамият табиат ривожининг маълум бир босқичида шаклланади ва ривожланади. Инсон ҳеч қачон табиатдан ташқарида, у билан алоқа ва муносабатда бўлмасдан туриб яшай олмайди. Табиат билан жамият, табиат билан инсон, табиат тарихи билан жамият тарихи диалектик бирликда, таъсир ва акс таъсирдадир. Уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Табиат – табиий ресурслар манбаидир. Табиатнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган Ер инсонларнинг озиқ-овқат манбаи, унинг дастлабки меҳнат воситаларининг ҳазинасидир. Ер инсонни боқади. Инглиз олими Вильям Петти айтганидек, меҳнат бойлиқнинг «отаси» бўлса, ер унинг «онаси» дир.

Табиатнинг жамият билан яқиндан алоқа боғлайдиган, унинг тараққиётига маълум даражада таъсир кўрсатадиган қисми табиий муҳит деб аталади.

Ер ва ер ости бойликлари, дарёлар, иқлим ва бошқа шу кабилар табиий муҳитни ташкил этади. Табиий муҳит жамият тараққиётига 2 хил таъсир кўрсатади. Маълумки тирикчилик воситалари ва табиий манбаларга бой бўлган мамлакатларда яшовчи халқлар ўз тирикчиликлари учун зарур бўлган маҳсулотларни тайёрлашда маблағ ва кучни бундай табиий қулайликларга эга бўлмаган халқга қараганда анча кам сарфлайдилар. Жамиятни тараққий этишига табиий муҳит, табиий ресурс ва бойлиқлар, қулайликлар кам сарф харажат талаб этади.

Аксинча, шароити, ноқулай муҳит кишиларнинг асосий вақти, маблағ ва меҳнати тирикчилик воситаларини, ишлаб чиқарувчи кучларнинг меҳнат самараси, унумдорлиги ва иш коэффицентининг пастлиги жамият ривожини сусташтиради ва бир мунча салбий таъсир кўрсатади.

Қадимги даврда тирикчилик воситаларининг табиий манбаларга бой бўлган жойлар жамият тараққиётига катта қулайлик тугдирган. Шунинг учун ҳам Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой Ўрта Осиё ўлкалари маданиятнинг энг қадимги марказлари бўлган.

Маданиятнинг ибтидоий жамоа тузумидан кейинги юқори босқичларида одамларнинг мактабга бўлган таъсири анча кучайиб, табиат ресурслардан фойдаланиш имкониятлари анча кенгайди. Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқарувчи кучларнинг, фан-техника ва маданиятнинг ривожланиб борганлигидадир.

Иккинчи табиатнинг яратилиши бир томондан яшаш қулайликларни вужудга келтирган бўлса, 2 томондан табиатдаги уйғунлик, мувозанат (кооэволюция) га путур ета бошлади.

Инсоннинг моҳиятини билиш қадим замонлардан бошлаб фалсафанинг асосий мақсадлари сирасига кирган. Мазкур масаланинг қадимийлиги мутлақо унинг эскириб қолганини аниқламайди. Хар бир давр, хар бир фалсафий оқим бу доимий муаммони янги-янги қирраларини қашф қилишга интилади.

Жамият тарихида жуда қўлаб кескин ўзгаришлар, тўб бўрилишлар бўлиб, хилма-хил гоёлар, қарашлар, таълимотлар ўзгариб, янгилашиб турган бўлсада, инсон моҳияти муаммоси, унинг одоб-Этикаи, маънавияти масаласи ҳеч қачон қайласуфлар диққат эътиборидан четда қолган эмас.

Бугунги кундаги мамлакатимизда амалга ошаётган ислохотлар ҳам инсон манфаатига қаратилгандир.

Бу сиёсат дейилади, инсон ва жамиятнинг фаровонлигини муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини қамолатлаши керак. (И.Қаримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура 153-бет).

Инсон моҳияти, унинг ҳаётидаги ўрни ва қадр-қиммати, иймон-этиқоди, одоб-Этикаи масаласига Шарқ қайласуфлари томонидан алоҳида эътибор берилганлигига, дунёнинг олий мавжудоти, дуру гавҳари ҳисобланган одамзод ҳақида Қуръони қарим ва Ҳадису-шарифда баён этилган бебаҳо фикрлар, дастурий йўл-йўриқлар асос бўлиб хизмат қилганлигини таъкидлаш лозим.

Қуръонда, биз инсон зотини муқаррам қилиб яратдиқ ва ер юзида қўқ нарсалардан қизқангирдиқ, ерда, сувда юрадиган қилиб, вақтларини яратиб бердиқ ва ўзимиз ҳам қилган қўқина нарсаларимиздан афзал қилиб қўйдик, деган оят бор. Шу оятга биноан оллоҳнинг бутун оламни яратишдан мақсади инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичида тенги йўқдир, энг афзалидир.

Бутун қўқлиқнинг қўққи ва шарафи бўлган инсонда одамийликнинг ҳамма ажойиб қиҳатлари мавжуд. Инсон ўлқан иззат ва ҳурматга лўйиқдир. Навойи ўзининг «Вакфия» асарида, «Бутун осмон ва осмондаги қами нарсалар, бутун ер юзи ва ер юзидаги қами нарсалар, ҳамма денгизлар ва унда мавжуд бўлган ҳамма нарсалар ҳамма мамлақатлар ва ўларда қўқ қами неъматлар-қари, энг яқши нарсалар инсон ўчун, унинг бахт-саодати ўчун яратилган, бўларнинг қами-инсон ўчун хизмат қилмоғи керак», деб ёзган эди.

Инсон дунёда энг мураккаб олий мавжудот, табиатнинг юқсақ маҳсулотидир. Шунинг ўчун уни анатомия, физиология, биология, генетика сингари қатор қанлар ўрганайди. Лекин одам бўшқа тирик мавжудотлардан фарқли ўлароқ қақат табиий эмас, балки тарихий, ижтимоий мавжудот ҳамдир. Унинг ижтимоий сифатлари билан тарих, эстетика, Этика, руҳшунослик, иқтисод, қами қанлар шугўлланади.

Санаб утилган ва бошка бир катор фанлар одамни турли томондан урганади ва турли сифатларини аниқлайди. Лекин одамни бир бутунлик сифатида урганадиган алохида фан йук. Одам тугрисида табиий ва ижтимоий фанларда мавжуд маълумотларни туплаш ва умумлаштириш, яхлит назария яратиш вазифасини фалсафа фани бажаради.

Фалсафа фани олий мавжудот булган инсоннинг мохиятини очиш, ички дунёси, одо-б-Этикаи, орзу интилишлари маънавиятини билиб олиш ва ундан тегишли хулосалар чиқаришга катта ёрдам беради.

Фалсафа фани инсоннинг ички маънавий дунёси, унинг кизиқишлари, эътиқоди, тушунчалари минг йиллар мобайнида шаклланади, онгда мустахкамланиб боради, деб курсатади. Шунга кура сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатлардаги туб узгаришларнинг махсули булган инсон онгидаги узгаришлар бир мунча мураккаброк булиб маълум вақт ичида юз беради. Объектив оламда содир булган ёки булаётган ходисалар, уларнинг умумлашмалари асосида инсон тушунчалари, онги, фикри шаклланади.

Илмий муаммоларни урганиш, даставвал, шу борада кулланиладиган атамаларнинг маъноси ва куламини аниқ белгилаб олишни таказо килади. Узбек тилида "одам" тушунчасига маънодош булган "Шахс", "Инсон" тушунчалари ҳам мавжуддир. "Шахс" тушунчаси факатгина ижтимоийликни англатиб, фалсафада мустақил категория сифатида кулланилади. "Инсон" тушунчаси эса "одам" тушунчасига жуда яқин булиб, ижобий-Ахлоқий сифатларни жамлаган одамларга нисбатан купрок кулланилади ва шунинг учун Ахлоқийликка мойилдир. "Одам" тушунчаси "шахс" ва "инсон" тушунчаларидан кенгрокдир. Бу тушунча яқин даврларгача факат биологик турга мансубликни ифодалайдиган тушунча, деб хисобланади. XIX асрнинг 2чи ярмидан бошлаб, одамга биологик тараккиётнинг махсули, деб қаралаётган булса ҳам, бу хол ундаги ижтимоий жихатларни инкор қилмайди. Одамда биологик ва ижтимоий жихатларнинг яхлит бир бутунлиги кузатилади.

Одамнинг мохиятини урганиш, аввало унинг бошка турдаги жонзотлардан фаркланувчи белгиларини аниқлашни таказо килади. Одамни бошка тирик мавжудотлардан ажратиб турадиган белгилар жуда куп. Булар ички ва ташқи, жисмоний, хулқий ва бошка тафовутлар булиб уларнинг барчасини санаб чиқишнинг узи анча вақт талаб килади. Лекин ана шу тафовутлар силсиласида шундайлари борки, улар тирик мавжудотлар ва одамнинг мохиятини белгилаб беради.

Куп файласуфлар одам билан хайвонларни ажратиб турадиган фарк бу одамда онгнинг мавжудлиги, деб тушунтирар эдилар. Бундай ёндашиш одам билан хайвонлар уртасидаги энг асосий фарклардан бири шубҳасиз, акс этирилган. Лекин факатгина шу тафовутни, тан олиб бошқаларини инкор қилиш масалани туларок англаб олишга ҳалакит беради.

Одамни хайвондан ажратиб турадиган энг асосий тафовутлардан бири хулқдир. Бу фарк юқорида курсатиб утилган тафовут – онгнинг мавжудлиги билан ҳамбарчас боғлиқ. Одам хулқи онг ёрдамида бошқарилади, лекин унинг шаклланишида табиий омиллар, инстинктлар, биологик эҳтиёжлар ролини мутлақо инкор қилиш ҳақиқатдан куз юмиш булур эди.

Хайвонлар хулқини уларнинг қайси турга мансублиги белгилайди. Бир турга мансуб индивидлар хулқидаги фарклар, одатда, жуда кам булади. Хайвонлар хулқи, асосан, ирсият ёрдамида белгиланади.

Одамлар хулки эса турга мансублик билан белгиланмайди. Ер юзида бир неча миллиард одам яшайди. Уларнинг барчаси бир турга мансуб булса ҳам, хулки бир-биридан кескин фарк килади. Хайвонлар хулки тугма хулк булса, одамлар хулки жамиятда шаклланадиган хулкдир. Хайвонлар хулки ирсий кодлар ёрдамида авлоддан-авлодга утса, одамлар хулки жамиятда тил, тарбия ва намуна ёрдамида шаклланади.

Жамиятда ҳам хулк нормалари авлоддан-авлодга утади. Хулк нормаларининг бундай ворислиги антропология ва этнография фанларида маданият деб аталади. Маданият факатгина жамиятга хос булиб, хулкнинг шаклланишида хал килувчи ролни уйнайди.

Маданият хар бир одам хулки ва фаолиятида намоён булиши билан бирга, турли типдаги жамиятларда турли хусусиятларга эга булади. Жамият эса муайян конуниятларга буйсунадиган мураккаб организмдир. У одамларнинг оддий йигиндисидан иборат эмас. Индивидларнинг оддий йигиндисини жамият деб аташ мумкин булганда, арилар, асарилар, чумолилар ва бошка бир катор хайвонларнинг ҳам уз жамиятлари борлигини тан олиш керак буларди, чунки улар ҳам йигилиб, жамланиб яшашади. Хайвонлар йигиндиси пода, туда, гала булиши мумкин, лекин жамият була олмайди. Бундай пода ва галаларда инстинктлар, жуда нари борса, «ижтимоий» инстинктлар хумкронлик килади.

Кишилик жамияти махлуқлар тудаси ва галасидан яна шуниси билан ҳам фарк киладики, у биологик бутунлик эмас. Хайвонлар галаси эса биологик бутунлик хисобланади. Шунинг учун ҳам галасидан ажралиб колган чумоли ёки оиласидан ажралган асарарига хар канча шароит яратиб, озик-овкат билан таъминлаб турилса ҳам, улар киска вақт ичида халок буладилар. Чумоли ва асарари мансуб булган турлар уларни гала ва оилага бирикиб яшашини таказо килади. Биологик турнинг талабидан четга чикиш эса уша жонзотнинг халок булишига олиб келади.

Кишилик жамияти биологик тур талаби натижасида эмас, умумий маданият асосида турмуш кечиради. Маданият кишилик жамиятини хайвонот дунёсидан ажратиб турадиган энг мухим белгилардан биридир. Лекин маданият узида жамиятнинг энг мухим белгиларидан бирини акс этитирса ҳам, жамият кандай вужудга келди, деган саволга жавоб бермайди. Бу саволга жавоб бериш учун икки мухим нарсага аниклик киритиш керак: биринчидан, одамлар орасидаги биологик булмаган муносабатлар қачон ва кандай пайдо булган? Иккинчидан, қачондан бошлаб ва қай йусинда одамлар узларини бошка мавжудотлардан фарқлай бошладилар?

Одам ва жамиятнинг пайдо булиши бир яхлит жараённинг икки томонидир. Бу жараённи ифодалаш учун фанда "антропосоциогенез" атамаси қабул килинган. Табиий ва ижтимоий фанларда шу жараён кандай кечганини тула тушунтириб бера оладиган назария хозирча йук, аммо бир катор фаразлар мавжуд.

Бу фаразларнинг энг мукаммалларидан бири Ф. Энгильс томонидан яратилган булиб, у "Маймуннинг одамга айланиши жараёнида меҳнатнинг роли" асарида баён килинган. Бу фараз хақиқатга қанчалик мослигини полеонтология, антропология, ахреология, чатиштирма анатомия ва чатиштирма физиология фанларида утказилган катор тадқиқотлар тасдиқламоқда. Бу фаразнинг илмий асосланганлиги яна шунда ҳам қуринадики, уни марксист булмаган катор файласуф олимлар ҳам тан олмақдалар.

Ушбу фаразга биноан одам, жамият ва маданият пайдо булишининг асосида меҳнат этади. Шу билан бирга унда меҳнатнинг ролини натуралистик талкин килишни инкор этади. Натуралистлар меҳнат ва жамият алоқадорлигини сабаб-оқибат кабилида тушунтиришга уринганлар. Аслида меҳнат ва антропо-социогенез замонда бирин-кетин амалга ошмаган, балки яхлит жараён шаклида юз берган шу муносабат билан меҳнат жараёнининг шаклланишини урганиш муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат килиш қобилиятининг вужудга келиши ва меҳнат жараёнининг бошланиши биологик ва ижтимоий хусусиятларнинг узаро бирикиб кетиши оқибатида майдонга келди. Табиатдаги тайёр қуроллардан фойдаланувчи одамсимон маймунлардан қурол ясай оладиган одамларнинг аجدодлари келиб чиққунча юз минг йиллар утди.

Фаннинг гувоҳлик беришича, дастлабки меҳнат қуроллари сифатида ов қуроллари пайдо булган. Бу қуроллар меҳнат қуролидан осонлик билан ибтидоий гала ичидаги мажороларни ҳал килиш қуролига ҳам айлантириб турилган. Дастлабки қуроллардан тинч максадларда фойдаланиш, хужалик фаолияти билан шугулланиш учун ибтидоий гала энди ибтидоий жамоага айланиши керак эди. Ибтидоий гала биологик бирлик булса, ибтидоий жамоа ижтимоий бирлик сифатида индивидлар уртасидаги янгича муносабатларга асосланарди. Одамлар уртасида янгича муносабатларга асосланарди. Одамлар уртасида янгича муносабатларнинг шаклланишида тил муҳим роль уйнайди. Тил атрофдаги моддий борликни акс эттиришдагина иштирок этмасдан, шу борликни узгартиришда, одамнинг амалий фаолиятида фаол катнашади.

Шу билан бирга, тилнинг имкониятлари ҳар канча кенг булгани билан, ибтидоий жамоада инокликни, тинч меҳнат фаолиятини таъминлаш учун унинг узи қифоя қилмасди. Бунинг учун жамоа ичидаги муносабатлар узгариши лозим эди.

Жамоаларнинг хайвонлар галасидан туб фарқи яна шунда эдики, унда одамлар уртасидаги муносабатлар инстинкт асосида эмас, илк Этика нормалари асосига урнатилган эди. Илк Этика эса ман килиш, тақик шаклида намоён булган эди. Тақиклаш эса хайвонлар галасидаги инстинктив муносабатлардан, аввало, қуйидаги уч хусусият билан ажралиб туради:

1. Ахлоқий ижтимоий тақиклар уруғ жамоасидаги барчага-қучлиларга ҳам, ожизларга ҳам таълуқлидир. Хайвонлар галасида эса ожизларга мумкин булмаган нарса қучлилар учун мумкиндир.

2. Уларни инстинктларга, жумладан, уз-узини сақлаш инстинктига ҳам тенглаштириб булмайди. Инстинктлар турга мансуб булган барча индивидлар учун умумий ҳуққни белгиласа, тақиклар индивидуал ҳуққни ҳам белгилаб беради.

3. Тақиклашлар мажбурият характериға эға булиб, жамоанинг барча аъзолари унинг шартларини бажаришға мажбур эди. Тақикни бузганлар эса барча жамоа томонидан жазоланар ва улар уругдан хайдаб юборилар эди.

Тақиклардан ташқари Этиканинг ижобий нормалари ҳам мавжуд эди. Масалан, авваллари ов пайтида, кейинчалик бошқа хужалик ишларида одамларнинг бир-бириға ёрдам қилишлари талаб қила бошланди.

Такиқлар ва Ахлоқий талаблар доираси кенгая борди ва одамлар яхшилик ва ёмонликни ажрата бошладилар. Ибтидоий жамоада адолат, узаро ҳурмат, меҳнатга қараб истеъмол қилиш туғрисида дастлабки тушунчалар пайдо бўла бошладилар. Ибтидоий жамоада мулкчилик ибтидоий-каммуна характерда эди. Умумий мулкчиликнинг бу дастлабки шакли аввало озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан қаратилган эди. Ишлаб чиқариш воситалари эса ҳали жуда содда бўлиб, қийим-кечак ва уй-жой ҳам энг ибтидоий эҳтиёжларни ҳам зурга қоплайдиган даражада эди. Бу даврда меҳнат ҳам, истеъмол ҳам умумий характерга эга эди. Ибтидоий-каммуна аъзолари қулга қиритган улжани барча қабиладош ва уруғдошлар биргаликда истеъмол қилардилар.

Табиат қучларига қарши қураш уруғ ва қабиладаги барча аъзоларнинг бирлашишини тақозо қилар эди. Меҳнат ва истеъмол коллектив характерга эга бўлгани учун жамоа Этикаи ҳам коллектив характерда эди. Меҳнат жараёнида одамлардаги ирода, узаро ёрдам сингари туйғулар тарбияланар ва ривожланар эди. Меҳнат жараёнида шаклланган Этиканинг одамлар орасидаги муносабатларни тартибга солиши оқибатида ҳақиқий қишлоқчилик жамияти вужудга келди. Бу жамиятда меҳнат фақат озиқ-овқат, қийим-кечак топиш воситасигина бўлиб қолмасдан, тарбиянинг ҳам қудратли воситасига айланди.

Ибтидоий жамоада ҳужалиқ юритиш шакллари ва ушбу шакллари, меҳнат тақсими ва тарқатиш билан Этика ҳам ушбу шакл борди. Масалан, неолит даврида одамларнинг овчиликдан дехқончилик ва чорвачиликка ўтиши уларнинг утқоклашиши ва янги Ахлоқий сифатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Утқоклашиш йирик-йирик қабила ва иттифоқи ва дехқончилик жамоалари пайдо бўлишига олиб келди. Дехқончилик ва ҳунармандчилик жамоалари асосида илк давлат тузумлари майдонга келди. Ҳудди мана шу даврдан энг қадимги давлатлар тарихи бошланади.

Жамоа ичида тинчлик сақлаш ва тартиб урнатиш зоологик инстинктларнинг Ахлоқий нормалар томонидан бўйсундирилиши айна пайтда одам ва жамиятнинг пайдо бўлиши эди. Энди инстинктга асосланган ҳулқ урнини Ахлоқий туйғу эгаллади. Этиканинг инстинктдан устун қилини одамнинг ҳайвонат дунёсидан ажралиб чиққанини аниқларди. Лекин бу ҳодиса бир ёки бир неча йил давомида эмас, минглаб йиллар давомида юз берган мураккаб ҳодиса эди.

Неолит даврида юз берган ҳужалиқ юритишдаги туб ўзгариш, яъни "неолит инқилоби" одам энди табиатнинг бир қисмига бўлиб қолмай, ижтимоий мавжудотга ҳам айланганини қурсатади. Энди одам табиийлик билан ижтимоийликнинг ёнма-ён яшовчи ҳодисалари эмас, балки яхлит бир бутунликка айланганини тасоли бўлиб қолди.

2. Ҳар қандай биологик тур сингари одам ҳам муайян белгилар йиғиндиси билан бошқа турлардан ажралиб туради. Бу белгилар одамнинг анатомик тузилиши ва физиологик хусусиятлари, яшаш даври, муддати, ирсий ва ирқий белгилари ва бошқалардан иборат. Бундан ташқари, одамда тил, онг, Этика сингари ижтимоий белгилар ҳам мавжуд. Мана шу биологик ва ижтимоий хусусиятларнинг узаро муносабати, яъни табиийлик билан ижтимоийликнинг диалектикаси турли фалсафий оқимларда турлича талқин қилиб келинган.

Фалсафа курсининг "Инсон муаммоси"га қадар урганган мавзулардан бири "материя" эди. Шу мавзунинг урганиш давомида материя ҳаракатининг шакллари тасниф қилинган ва биологик ҳамда ижтимоий ҳаракат мустақил ҳаракат шакллари сифатида белгиланган эди. Шу мавзунинг утиш жараёнида материя ҳаракатининг қуйи шакллари юқори шакллари таркибига

киради деб курсатилган. Биологик ҳаракат эса ижтимоий ҳаракатга нисбатан куйирок шакл ва шунинг учун у ижтимоий ҳаракатни камраб ола олмайди, аксинча, у узи ижтимоий ҳаракат таркибига киради. Демак, одамдаги табиийлик ва ижтимоийлик бирлиги биологик ҳаракат доирасида эмас, ижтимоий ҳаракат доирасида амалга ошади. Бу диалектик жараёни одамнинг дунёга келиши мисолида кузатиш мумкин.

Чакалок тугилганда тайёр онг билан тугилмайди. Унинг мияси универсал кобилиятларга эга булгани учун ижтимоий муҳит таъсирида онгни шакллантира боради. Бундан ташқари, она қорнидаги хомила биологик қонуниятлар асосида ривожланади. У тугилгач эса узида ижтимоий муҳит ва ундаги қонуниятлар таъсирини сеза бошлайди. Агар биологик ва физиологик узига ҳослик булмаса, барча одамлар феъл-атвори, онги, Этикаи ва бошқа ижтимоий хусусиятлари бўйича деярли бир хил бўлиб қоладилар, чунки улар деярли бир хил ижтимоий муҳит таъсирида шаклланадилар.

Ҳар бир одам биологик жихатдан ҳам, ижтимоий жихатдан ҳам бетакрордир. Биологик бетакрорлик шундан иборатки, ҳар бир одамдаги ирсий белгиларни ташувчи генлар сони, турли хромосомалар мутаносиблиги ва бошқа жуда қўп ички ва заҳирий белгилар йиғиндиси бошқа бирорта одамда ҳам такрорланмайди. Демак, ҳар бир одам биологик узига ҳосликка, бетакрорликка эга экан, мана шу бетакрор негизга ижтимоий муҳитнинг таъсир қилиши ҳам бетакрор натижаларга олиб келади.

Одам биологик ва ижтимоий хусусиятлар мужассами булгани учун ҳам уни яхлитлик, бутунлик сифатида урганилганда ҳам, унинг алоҳида сифатларини урганилганда ҳам шу икки хил хусусиятлар бирлигидан келиб чиқиш керак. Акс ҳолда ҳулосалар бир томонлама ва гайри илмий бўлиб қолади.

Масалан, иркчилик назарияларида иркий белгилар, яъни биологик хусусиятларнинг роли барттириб курсатилади ва гайри-илмий реакцион ҳулосалар чиқарилади. Бу назарияга қўра, танасининг ранги, сочи, бурни, қўлоги ва бошқа аъзоларининг шаклига қўра бир-биридан фарқ қилувчи одамлар ақл жихатдан ҳам турли даражада ривожланган булармиш. Инсониятнинг қўп минг йиллик тарихи бундай назариялар мутлақо асоссиз ва гайри-илмий эканини курсатади. Иркчилик назариясининг асоссизлиги биологик тафовутлар ижтимоий тафовутларга ҳеч қандай таъсир курсатмайди, деган ҳулосага олиб келмаслиги керак. Биологик тафовутлар маълум даражада ижтимоий тафовутлар шаклланишига уз таъсирини курсатади. Лекин бу таъсирни мутлоқлаштириш ҳақиқатдан қўз юмишдир.

Биологик тафовутларнинг ижтимоий тафовутлар келиб чиқишига утказадиган таъсирини қўйидаги мисолда қўриш мумкин: Икки жинс вақиллари, аёллар ва эрқаклар бир-бирларидан биологик хусусиятлар билан фарқ қиладилар. Бу тафовут уларнинг руҳиятидаги баъзи фарқларни ҳам келтириб чиқаради. Аёлларнинг руҳий кечинмалари нозикроқ эстетик ҳислатларга бойроқ булади. Эрқакларда эса бу жараёнлар қўчлироқ, лекин юзароқ кечади. Эрқаклар ва аёллар психикасида бундан бошқа тафовутлар ҳам мавжуд, лекин бу тафовутлар улардан бирини юқори иқкинчисини қўйирок қўйиши учун асос була олмайди. Жинслар уртасидаги фарқлар фақатгина улар уртасидаги қарама-қаршилиқни эмас, балки уларнинг бир-бирини тулғизишини, улар уртасидаги бирлиқни ҳам курсатади.

Илмий-техника инкилоби даврида одамдаги биологик ва ижтимоий сифатлар бирлигининг янги кирралари намоён була бошлади. Маълумки, минглаб йиллик тарих одамнинг бошқа турдаги мавжудотларга нисбатан мослашувчанлиги кучлироқ эканини курсатди.

Бошқа турлар факат тор доирадаги экологик узгаришларгагина мослаша олса, одам ана шу узгаришларнинг жуда хилма-хиллиги ва кенглигига ҳам мослашиши мумкин. Лекин одам организмнинг бу имкониятлари чексиз эмас. Хозирги даврда ана шу имкониятларни ишга солиш узининг охириг нуктасига етиб бормокда. Атроф-мухитни химиявий моддалар билан ифлослантириш, атмосферадаги ионлаштирувчи нурларнинг микдори, табиатда техника таъсирида юз бераётган узгаришларнинг кулами шу даражага бориб етдики, мабодо бундан кейин ҳам улар шундай суръатда давом этаверса, одам организмнинг уларга мослашиб олиши мукамаллашади. Бундан ташкари, одамнинг факат жисмигина эмас, рухиятига таъсир киладиган ходисалар ҳам купайиб ва кучайиб бормокда, стресс ҳолатларининг купаяётганлиги бунинг далилидир.

Генетика фанининг кузатишлари одам ирсиятида юз бераётган мутациялар-узгаришлар тезлашиб бораётганини курсатмокда. Шу мутациялар ва юкорида айтилган стресслар окибатида тез суръатлар билан купайиб бораётган юрак-кон томир касалликлари инсоният учун хавф солмокда. Инсон жисмидаги биологик имкониятлар жуда хавфли чегарага якинлашмокда. Барча кучларни ишга солиб ана шу хавфни бартараф килиш хозирги кундаги энг мухим вазифалардан биридир.

Жахон фалсафасининг таркибий кисми булган Шарк фалсафасида инсонда икки карама-карши асос: модда ва рух мавжудлиги алохида таъкидланади. Ана шу икки асос инсон вужудида мутаносиб булиши, бири устиворлик килиб бошқаси орқада қолиб кетмаслиги керак. Агар шу тартиб бузилиб моддийлик рухдан устун келиб, рух жисм кулига айланиб, унга хизмат килгудек булса, унда инсон амалий фаолиятида салбий ҳолатлар авж олиб, ижобий фазилатлар кейинга суриб ташланади. Аксинча, рухий-маънавий томонлари тараккий этган инсонларда аклу-заковат, инсофу-диёнат, одобу- Этика, илму-маърифат, мол-дунёга берилиш, хайвоний нафсларга кул булиш сингари хато ва нуксонлардан устиворлик килади. Рухий-маънавий жихат-инсонни инсон киладиган, унинг ҳаётини гузаллаштирадиган фазилатлардир.

Инсон мавжудлигининг сири шу мавжудликнинг узида эмас, нима учун мавжудликдадир. Алохида олинган одамни факат яшаш учун яшаш кониктирмайди. Мана шу коникмасликни бартараф килиш учун у қобилятларини ривожлантиришга, ижод билан шугулланишга интилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ижод факат фанда, адабиёт ва санъатда эмас, хар бир касб-хунарда ҳам намоён булади. Хар бир одамнинг уз қобилятларини ривожлантириши ва шу қобилятларини яратувчи меҳнатга йуналтириши, унинг ҳаётдаги мақсадига эришиш йулида қуйган қадами, айна пайтда, жамият тараккиётига, жамиятнинг мақсад томон интилишига қушган хиссаси булади. Жамиятда одам бошқалардан ажралган ҳолда яшамагани, аксинча, бошқалар билан доимий мулокатда булиши унинг уз мақсадлари сари интилишида ҳам юртдошлари билан ҳамкорлик килишини таказо килади. Одамларнинг бир-бирларига ёрдам курсатишлари, ҳамкорлик килишлари ва бир-бирлари тутрисида гамхурлик курсатишлари ҳаёт узи талаб киладиган мутлақо зарурий ҳолатлардир. Шуни назарда тутиб Алишер Навоий шундай деган эди:

Одами эрсанг, демагил одами Ониким, йук халк гамидан гами.

Жамият манфаатлари билан шахс манфаатлари уртасида уйғунлик мавжуд булса, бундай ҳолат шахсни жамият манфаатлари йулида, демак шу оркали уз манфаатлари йулида ҳам жонбозлик курсатишга ундайди.

Манфаатлар уртасидаги карама-каршилиқ, зиддият эса шахсни жамият манфаати ва мақсадига зид равишда, узининг тор шахсий манфаатлари йулида ҳаракат қилишга мажбур этади. Мана шундай вазиятда шахснинг бегоналашуви юз беради.

Инсон табиатига мос ва мувофиқ жамиятда меҳнат одамнинг уз-узини ифодалаш. қобилиятларини ривожлантириши учун восита бўлиб хизмат қилади. Шундай шароитда алоҳида шахснинг манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашади ва шахс уз ҳаётининг мазмунини бошқа одамлар, бутун жамият фаровонлиги билан боғлайди.

Шахс манфаати билан жамият уртасидаги зиддият кескинлашар экан, одам меҳнатга мажбурий бажариш керак бўлган фаолият сифатида қарай бошлайди. Шунини айтиш керакки, бизнинг жамиятимизда ҳам марказлашган-буйруқбозлик тузуми ҳукмронлиги даврида меҳнатга мана шундай муносабат кенг тарқала бошлади. Бундай муносабатларни бартараф қилиш, уларнинг урнига меҳнатга ижодий муносабатларни қарор топтириш жамиятимиз бозор муносабатларини шакллантириш йулидаги ислохотларни амалга оширишни, барча соҳаларда туб ўзгаришлар ясашни тақозо қилди.

Фалсафа фани инсоннинг маънавиятга эга эканлигига ҳам алоҳида эътибор беради. Маънавият инсоннинг асосий қазилатларидан бўлиб ҳисобланади. Инсонда маънавий асосда яшаш ва фаолият курсатишгина эмас, балки, шу билан бирга уни эгаллаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш қобилияти ва истисдоди ҳам мавжуддир. Маънавият уз-узидан пайдо ҳам бўлмайди, ривожланмайди ҳам. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар уғити билан бирга сингади. (И. Қаримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. 1998, 60-бет). Маънавият инсон қалбида қамол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қул билан меҳнат қилиши керак.

Маънавият инсоннинг ҳаёт тажрибаси, меҳнати, билими, Этика ва одоби, авлодлар тажрибаси асосида шаклланиб боради. Маънавият инсоннинг ҳаёти ва фаолиятига мақсад ва йўналиш беради. Маънавият инсоннинг уз халқи тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқурроқ билиш ва тушуниб етишига ёрдамлашади. Инсон маънавиятсиз яшай олмайди. Маънавият алоҳида бир инсон учунгина эмас, жамики одамлар учун ҳам ута зарур ва муҳимдир. Маънавиятсиз инсон бўлмаганидек, маънавий етук, Этикаан пок ва муқаммал инсонсиз жамият ва миллат ҳам бўлмайди.

Маънавият инсонга сув ва ҳаводек зарур . Маънавиятнинг бу жиҳатлари И.А. Қаримовнинг қуйидаги сузларида узининг яққол ифодасини топган "Саҳродаги сайёҳ ҳар доим бўлоқдан чанқогини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар қуни-қушнилари, халқ, мустикал давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик-маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг" (И.Қаримов .Истиқлол ва маънавият).

Маънавият инсонга муайян мақсад, келажакка ишонч билан бориш учун қайта умид, қуч ва қудрат бахш этади.

Жамиятнинг, давлат, халк ва миллатнинг, жамият аъзоси булган инсон шахсининг маънавиятга булган эҳтиёжи шу қадар каттаки, уни ҳеч қачон иккинчи уринга суриб қуйиш ҳам, шунингдек, маънавият масаласига иктисодий муаммоларни ҳал қилиб булгандан кейин утиш мумкин, деб уйлаш ҳам, тамомила ҳатодир. Дарҳақиқат, маънавиятга интилиш инсон учун моддий неъматларни узлаштириш, ейиш, ичиш, қийинишга нисбатан ҳам муҳимроқдир.

Маънавият барқарор булмаган жойда моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш маданияти юқори булмайди. Маънавий кашшок булган одам етук, фаровон, маданий турмуш кечириш меъёрларини ҳам билмайди. Маънавияти етук инсонлар келажакни олдиндан қуришга, қийинчиликларни енгилга оғир шароитда ҳам юксак мақсадини олдига қуйиб, уни иймон ва эътиқоди билан енгилга қодир булади. Маънавият инсоннинг узлигини англаб олишда унга ёрдам беради. Узлигини англаган инсонгина, узлигини англаган миллатгина қучли давлат, адолатли жамият барпо эта олади.

Инсонлар меҳнат ёрдамида, моддий неъматлар ишлаб чиқариш натижасидагина табиат қучларини енгилга муваффақ бўлганлар. Табиатга таъсир кўрсатиб, ундан талаб эҳтиёжларини қондириш улардан фойдаланади. Табиатдан тайёр неъмат олий ва ўз неъматини яратиб, унга ҳам қайтаради.

Дастлабки ибтидои даврларда инсонлар табиатга қарам бўлган бўлса, ночор ҳаёт кечириб, яшаш учун кураш даврида табиат инъом этган неъматларни тайёр ҳолда истеъмол қилган бўлса, кейинчалик оловни кашф қилиниши, меҳнат қуроллари, воситалари ясалиши, моддий ва маънавий бойликларни яратиб инсон бугунги кунда табиат қучларини енгилга муваффақ бўлди. Бунга инсон ўз меҳнати ёрдамида табиат қучларидан ўз мақсади йўлида фойдаланиш заминидан эришди.

Бундан кўриш мумкинки, меҳнат, ишлаб чиқариш, инсоннинг ижтимоий мавжудод сифатида шаклланишининг, унинг табиатдан ажралиб чиқишининг негизидир.

Одамзод пайдо бўлган даврдан то ҳозирга қадар табиатга таъсир қилиб, уни батамом ўзгартириб юборди. Кейинги минг йилликлар давомида инсон фаолияти натижасида Ер шари юзаси, иқлими, ўсимлиги, ҳайвонот дунёсининг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлиги бунга мисол бўла олади. Ўар хил космик чанглари, иссиқлик электр станциялари, автомобиллар сонининг тез ўсиб бориши, радиатив моддалар ва бошқалар таъсири остида барча жонли мавжудотнинг ҳаёт манбаи бўлган ҳаво тоқат қилиб бўлмайдиган даражада ифлосланмоқда. Атроф - муҳитнинг радиактив ва кимёвий чиқиндилар билан булғаниши аҳолининг, чорва молларининг, паррандаларининг дарё, қўл ва океанлардаги балиқ ва бошқа жониворларнинг қўллаб заҳарланишига сабаб бўлмоқда.

Сув таъминотининг анъанавий манбалари ҳисобланган дарёлар, қўллар, Шимолий қутб музликлари, денгизлар, сув анборлари ифлосланмоқда. Инсониятнинг энг катта озиқ-овдат манбаи бўлган жаҳон океанлари ҳам ҳозирги вақтда инсон цивилизацияси қурбони бўлмоқда. Ҳар йили жаҳон океанига ўн млн. тоннагача миқдорида нефть ва нефть маҳсулотлари келиб тушади. Табиатни муҳофаза қилиш бугунги кунда инсоният олдида турган долзарб муаммо бўлиб келмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш инсониятнинг эртанги куни ҳақида ғамхўрлик қилиш, ер юзасидаги барча инсоният учун муқаддас даргоҳ ҳисобланган сайёрамизнинг тақдирини ўйлашдир, сақлаб қолишдир.

Бу – инсон учун зарур бўлган барча ноз-неъматлар манбаи – ерни севиш ва ардоқлаш, унинг касалланиб яроқсиз бўлиб қолишига йўл қўймасликдир.

Табиатга меҳр-муҳаббат билан ёндашиш, теварак – атрофни, сувни, ҳавони тупроқни, ўсимлик ва ҳайвонотни асраб – авайлаш ҳақида ислом таълимотида ҳам муҳим ғоялар мавжуд.

Экологик инқироз ишлаб чиқариш инқирози бўлибгина қолмай, айтилиши вақтда, ижтимоий-сиёсий муаммодир. Чунки табиатни муҳофаза қилиш бу ривожланиш ва халқ фаровонлигини оширишнинг заминидир. Шунинг учун ҳам республикада табиатни муҳофаза қилишни давлат йўли билан бошқариш ва назорат қилиб туришга катта аҳамиятга берилаётганлиги бежиз эмас. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг, Оролни сақлаш, Экосан ва бошқа жамғармаларнинг таъсис этилиши, табиатдан унумли фойдаланиш ва атроф-муҳитни муқилиш муаммоларига оид минтақавий жаҳон илмий-амалий анжуманларининг ўтказилиши, табиатни муҳофаза қилиш ишларига жамоатчилигининг кенг жалб этилиши бунга мисол бўла олади.

Минтақамизда табиатни муҳофаза қилиш ишлари қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилмоғи лозим.

- қишлоқ хўжалик экинзорларини сақлаш, тупроқ эрозиясига қарши курашиши кучайтириш, ерни шўр босишдан, заҳарланишдан, қақраб қолишдан сақлаш;
- фойдали қазилма конлардан унумли, оқилона фойдаланиш;
- Орол денгизи, Сирдарё, Амударё ва бошқа сув хавзалари сатҳини камайишининг олдини олиш, уларни булғанишдан сақлашни кучайтириш керак;
- зарарли моддаларни атроф-муҳитга камайитириш, уларни тозалаш, яхшилаш, газ ва чанг ютувчи самарали аппаратлар, сувни тозалайдиган ускуналар, табиий муҳитнинг ҳолатини назорат қилувчи асбоблар ҳамда автомат станция ишлаб чиқаришни таъминлаш;
- ўрмонларни ёнғиндан сақлаш ҳамда уларни заҳарли ҳашаротлардан ва касалликлардан муҳофаза қилиш. Шаҳар ва қишлоқларни янада кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш зарур;
- табиий қул, ҳовузлар қимматли балиқ турларини ўрганиб кўпайтириш тадбирларини амалга ошириш.

Табиатни эъзозлаш, уни муҳофаза қилиш, инсон онгининг етуқлиги билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда кишиларда экологик онг ва маданиятни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада оиланинг роли катта. Ёшларимизда экологик маданиятни тарбиялашда болалар боғчалари, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ҳам шижоат ва жонбозлик кўрсатишлари лозим. меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари доимий ва изчил равишда оҳолининг экологик онги ва маданиятини тарбиялашга оид ишларни мунтазам олиб борсалар, бу масалада

шунчалик тез жиддий ўзгаришларни қўлга киритишимиз мумкин эканлигини ҳеч ҳам эсдан чиқариш керак эмас.

Ибтидоий жамоа тузумида оддий меҳнат қуроллари бўлган. Шунинг учун уларга табиий шароитлар қулайлиги муҳим эди. Улар дарё бўйларида, тоғ ёки боғларида, тупроғи ҳосилдор жойларда, ўрмонлар ва ҳайвонот дунёси сароб бўлган жойларда яшашга ҳаракат қилганлар.

Қадимги даврда тирикчилик воситаларининг табиий манбаларига бой бўлган жойлар жамият тараққиётига катта қулайлик туғдирган. Шунинг учун ҳам Миср, Хиндистон, Хитой, Ўрта ер денгизи ўлкалари маданиятнинг энг қадимги марказлари бўлган.

Лекин ҳамиша табиий шароитлар ижтимоий тараққиётнинг ривожига, жамиятнинг бир тузумдан иккинчи тузумга ўтишини белгилаб берувчи омил, куч бўла олмайди. Чунки, жамиятнинг ўзгариши ва ривожланиши табиий шароитларнинг ўзгаришига қараганда тезроқ содир бўлади. Табиий шароитларнинг сезиларли даражада ўзгариши учун кўп йиллар керак бўлса, жамият ҳаётида туб ўзгаришлар бўлиши учун қисқа бир тарихий муддат кифоя қилади.

Европа, Осиё, Африкада географик шароит бундан 3 минг йил олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам деярли шундай. Бироқ шу йиллар ичида ундаги давлатлар, халқлар ва миллатларнинг ҳаёти, турмуш тарзида шу қадар кўп хилма-хил ўзгаришлар бўлмоқдаки, бу ўзгариш ва ривожланишларнинг табиий географик муҳит ўзгаришга нисбатан тезроқ амалга ошишини очик-ойдин кўрсатиб турибди.

Инсоннинг табиатга таъсири ижтимоий тараққиёт мобайнида ҳозирги даврдагидек бўлган эмас. «Иккинчи» табиат – инсониятнинг маданий дунёсини вужудга келтирди. Лекин шунинг ҳам таъкидлаш керакки табиат илгари қандай объектив ва бир бўлса, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам шундайлигича қолаверади.

Хулоса чиқариш: 1) дан инсон ва инсоният дунёси табиатдан ажралмасдир, унинг олий маҳсулидир. 2)дан «Иккинчи» табиат бирламчи табиат негизида унга онгли равишда мулоқотда бўлиш заминида юзага келган.

3) дан кишини табиат вужудга келтирган бўлса, уни жамият, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар камол топтирди ва унга ижтимоий қиёфа берди.

4) дан меҳнат на фақат инсон онгини, ўзини шакллантирди, балки меҳнат табиат ва жамият ўртасида алоқа занжири уларни боғловчи восита ҳисобланади ва жамиятнинг табиатга, табиатнинг эса жамиятга таъсири объектив қонуниятдир.

5) дан табиий муҳит инсоннинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятининг доимий абадий ва зарурий шартидир.

Илмий-техника инқилоби инсоният учун аҳамияти каттадир. Шитоб билан ИТИнинг ривожини мисли кўрилмаган қулай турмуш шароитини яратмоқда. Жамият риводланмоқда, меҳнат унумдорлигини юқори даражага кўтарилди. М: Интернетни, уяли телефонларни кашф қилиниши инсоннинг оғирини енгил, олисини яқин қилишга қулайлик яратилди.

ИТИ муваффақиятларидан шахсий, гуруҳий мафаатлар нуктаи назаридан фойдаланиш ниҳоятда қалтис экологик муаммоларни юзага келтирди. Одамзоднинг табиатга, айниқса биосферага салбий таъсири кооэволюцияни издан чиқармоқда. Эътироф этиш керак-ки, инсоннинг ўз истикболини ўйламай қилган ҳатти-ҳаракатлари, кўр-кўрона қилмишлари туфайли табиат беҳад озор чекди, кўп нарсалардан абадий жудо бўлди. Ҳар хил космик чанглар, ИЭС. (иссиқ электр станция) лари, автомобил сонининг тез б бориши, радиактив моддалар ва бошқалар таъсири остида барча жонли мавжудоднинг ҳаёт манбаи бўлган ҳаво тоқат қилиб бўлмайдиган даражада ифлосланмоқда. Атроф-муҳитнинг радиактив ва кимёвий чиқиндилар билан булғаниши аҳолининг , чорва молларининг паррандаларнинг дарё, кўл, ва сув ҳавзалардаги балиқ ва бошқа жониворларнинг кўплаб заҳарланишига сабаб бўлмоқда. Олимлар ҳаво, сув ва ер устининг заҳарланиши шу тариқа давом этадиган бўлса, цивилизация ҳалок бўлиши мумкин дейишмоқда.

Экологик вазиятнинг ниҳоятда кескинлашиб кетганини Ўзбекистон мисолида кўриб чиқамиз. Ўзбекистон ва бутун Дуне учун энг асосий экологик хавф – Орол муаммосидир.

Маълумотларга кўра, 1961 йилга қадар Оролбўйи ерлари гўзаллиги, хуштабиатлиги билан атрофдаги чўллардан кескин фарқ қилган. Шу йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори бўлиб 53,4м. сув ҳажми 1064 квзбГкм, сувнинг юзаси 66 минг кв.км.ни ташкил этган эди. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб км. Сув келиб куйилар эди. 1994 йилга келиб Орол денгизидаги сувнинг сатҳи – 32,5 метрга, сув ҳажми – 400 куб км.дан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг кв км га тушиб қолди, натижада энди яхлит денгиз эмас, қолдиқ кўлга айланиб қолди. Шимол куриб қолган Орол денгизининг тубидан туз ва чанг-тўзонни юзлаб километрга учириб кетмоқда.

Бундай ҳолат Орол денгизи атрофида иқлимнинг бузилишига олиб келди. Ҳозирги кунда Орол муаммосини ҳал қилиш глобал масштабда БМТ, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар ёрдамида ҳал қилинмоқда.

Орол бўйи аҳолисини ижтимоий химоялаш юзасидан улкан ишлар қилинмоқда. БМТ нинг Юнисеф ҳамда халқаро «Экосан» жамғармасининг ташаббуси билан 1995 йил Орол бўйидаги болалар ва оналар соғлиғини муҳофаза қилишга доир «АСПЕРА» дастури ишлаб чиқилди. Дастур 4 йилга мўлжалланган бўлиб уни амалга ошириш учун 3,12 млн \$ АҚШ доллари ҳажмида харажат кўзда тутилган.

Ҳозирги шароитда экологик онгни шакллантириш ижтимоий тараққиётнинг объектив заруриятидир. Экологик шароитни англаш учун табиат ҳақидаги билимнинг Янги сифат даражаси талаб қилинмоқда. Бу эса табиатнинг бир бутунлик ғоясини инсон томонидан чуқурроқ билиш асосида шаклланади.

Экологик онг-инсон ва табиат муносабатлари муаммоси ва унда гармонизациялаш аспектининг инъикоси бўлган (илмий, этик, эстетик, ҳуқуқий ва б.к.) қарашлар системаси сифатида ташкил топади. Экологик онг инсон ҳатти-ҳаракатига шундагина сезиларли таъсир этадики, қачонки у инсон руҳий ҳолатини, ҳам фикрий, ҳам ҳиссий соҳасини қамраб олсин., илмий далиллар уни ҳаяжонлантирсин ва ўзлаштирган билимга асосан табиатга муносабатини ўзгартириш зарурлигига шахсий ишонч ҳосил қилсин.

Экологик онгининг шакллантириш шароити бўлиб, одамларни фақат табиий жараёнларни мураккаб, бевосита ўзаро боғланишларини тушунишига эмас, балки уларни етарли даражада социал-сиёсий етуклиги ҳам, жамиятдаги мураккаб чатишиб кетган турли партиялар мафаатларни аниқлиги ҳам ҳисобга олинади ва бу уларни экологик муаммоларни ҳал этишга ҳақиқий даражада қизиқишини тушунишига имкон беради.

Экологик онгни шакллантириш инсонни фаоллаштириш жараёни боришида, ижтимоий воқеликни ёритишда, жамиятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўзгартиришда ва тараққиётини жадаллатиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг мафкуравий хусусиятларига алоҳида аҳамият берилиши керак.

Инсон онгининг мазмуни ишончли характерда бўлгандагина, ғояларнинг тўғрилигига, тўғри ва ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилгандагина, у онг дунёқарашга айланади.

Экологик маданият - умумжаҳон маданияти ривожланишининг асосий қисми ва этапи бўлиб, инсоният ҳаёти ва ривожланишида экологик муаммоларни ҳал этилиши муҳимлигини, долзарблигини чуқур англашни характерлайди. Экологик маданият умумий маданиятнинг бир қисми сифатида тасаввур этилиб, у ижтимоий маданиятни алоҳида тури бўлиб, ўзининг моҳияти ва функциясига эгадир. Экологик маданиятнинг мақсади табиатни сақлаш бўлган очик тизимли қадриятлар сифатида, алоҳида қадриятлар кўрсаткичи деб аниқланади. Экологик маданиятга берилган таърифлар турличадир. Масалан, экологик маданият – табиатнинг ўзлаштиришдаги ижодий фаолият бўлиб, бу жараёнда экологик қадриятлар бажарилади, тақсимланади ва фойдаланилади. Ҳозирги даврда экологик маданиятни ривожлантириш долзарб муаммолардан биридир. Экологик маданият – бу табиатга бўлган ижтимоий, моддий, Амалий, рухий-назарий муносабатларнинг алоҳида сифатли даражасидир. Бевосита ҳаётнинг қайта ўзлаштириш жараёнини ўз ичига олади ва тасвирлайди. Экологик маданиятни моддий ҳамда маданий йўналишлари мутаносиб ривожланиши зарур. Экологик маданиятни шакллантириш мафаатлардан келиб чиққан таълим-тарбия бошқа соҳадаги таълим-тарбияни мужассамлаштирувчи бош йўналишга айланмоқда. Экологик маданиятни шакллантиришда экологик таълим-тарбия асос бўлади. Экологик муаммоларнинг оламшумул аҳамият касб этиши ва инсоният тақдирини, қадриятини белгилаб туриши турли таълим-тарбия, соҳаларининг муштарак манфаатлари асосида бирлашувини тақозо этади. Бу эса умуминсоний методологияни ривожланишини талаб этади. Экологик мафкурани, кенгроқ экологик маданиятни ривожлантириш Шарқда ва Ғарбда ҳам турли типдаги маданиятларда бўлган табиатга оқилона муносабатлар синтези зарурлигини кўзлайди.

Бугун биз табиат борлиқнинг ажралмас, таркибий қисми эканлигини кўриб чиқдик. Бунда бирламчи табиат, ер, сув, коинот, инсониятга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб у абадийдир. Инсоният эса табиатнинг олий маҳсулидир, яъни табиат инсонни вужудга келтирган бўлса, иқтисодий-ижтимоий муносабатлар уни шакллантирди, ривожлантирди. Меҳнат унинг онгини юксалтирди ва камол топтирди.

Табиат билан жамиятнинг ўзаро алоқадорлигининг асосий, негизини меҳнат ташкил этади. Табиат билан жамият ўртасидаги алоқадорлик, жамиятнинг табиатга, табиатнинг эса жамиятга таъсири кишилар онги ва иродасига боғлиқ бўлмаган объектив қонуниятдир.

Табиий муҳит, шароитнинг қулайлиги жамият тараққиётига таъсир этувчи омил ҳисобланади. Табиий муҳит инсоннинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятининг доимий, абадий ва зарурий шартидир.

«Иккинчи табиат» - инсониятнинг маданий дунёсини вужудга келтирди.

ИТИ инсоният учун аҳамияти каттадир. Табиатни эъзозлаш, уни муҳофаза қилиш, инсон онгининг етуклиги билан бевосита боғлиқдир. Инсонларда экологик онг ва маданиятни шакллантириш ва тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.